

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

---

**СУННАТОВ ЮСУФ УСМОНОВИЧ**

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИНГ  
ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Суннатов Юсуф Усмонович**

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатининг таҳлилни  
такомиллаштириш ..... 3

**Суннатов Юсуф Усмонович**

Совершенствование анализа финансового состояния субъектов  
хозяйствования..... 25

**Sunnatov Yusuf Usmonovich**

Improving the analysis of the financial condition of business entities ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....51

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
Dsc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

---

**СУННАТОВ ЮСУФ УСМОНОВИЧ**

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИНГ  
ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt527 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Шоҳзамий Шоҳмансур Шоҳназир ўгли**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Дусмуратов Ражаббой Давлетбоевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «4» 02 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-11-48; e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (253 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2022 йил «22» 01 куни тарқатилди.  
(2022 йил «22» 01 даги 11 - рақамли реестр баённомаси.)



**Т.З.Тешабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Ф.Холмаматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**И.Н.Кўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобал бекарорликлар, рисклар, кучли рақобат ва коронавирус пандемияси шароитида ривожланаётган жаҳон иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ва улар фаолият сифатини молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида бир-бири билан солиштира рейтинг ва рэнкинг баҳолаш масалаларининг самарали (аниқ, тезкор, ишончли) ечимига эришиш замонавий молиявий таҳлилнинг фундаментал илмий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган. Ҳозирда «рейтинг ва рэнкинг баҳолаш хизматининг жаҳон бозорида Standart&Poor's, Moody's, Fitch Ratings, Forbes, Fortune, Business Week каби рейтинг агентликлар ва бошқа бир қатор молия институтлари фаолият кўрсатмоқда»<sup>1</sup>. Лекин бу агентликлар рейтинг баҳо қўйиши учун узок муддат вақт талаб қилиниши ва аниқ бир умумий методология мавжуд бўлмаганлиги учун баъзан бир субъектнинг ўзига бу агентликлар орқали ҳар хил рейтинг баҳо қўйилганлигини кузатамиз. Демак иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатаётган субъектлар молиявий ҳолатининг таҳлилининг такомиллаштириб, уларга умумий методология асосида самарали комплекс баҳо бериш зарурати туғилмоқда.

Жаҳон амалиётида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ва рейтинг баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини комплекс ифодаловчи улар бухгалтерия баланси суммар кўрсаткичларига асосланган бир-бирига тўғри ва тескари нисбатлардаги коэффицентлари воситасида сифат даражаларини рейтинг ва рэнкинг методологияси асосида солиштира баҳолаш масалалари аниқ математик методлар ва мезонлар асосида самарали ечимига эришилмаган. Ушбу контекстда, бир томондан, дунёдаги иқтисодчи олимлар олиб бораётган илмий тадқиқотларнинг етарли эмаслиги, иккинчи томондан, бундай тадқиқотларга асосланувчи молиявий таҳлил ва аналитик хизматлар ҳамда миллий ва халқаро рейтинг баҳолаш тизимлари фаолиятлари рақамлаштирилишининг кучайиши, мазкур масалалар билан боғлиқ назарий ва методологик базис етарлича такомил эмаслиги сабабли улар самарали ечимига эришишнинг долзарблиги ва заруратини жаҳон миқёсида янада оширмоқда деган хулоса танланган мавзу бўйича тадқиқот амалга оширилиши зарурлигини белгилайди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида реал иқтисодиёт секторида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига асосланган молиявий таҳлил соҳаси такомиллаштирилмоқда. Зеро ушбу соҳада амалга оширилаётган тадқиқотлар етарли эмаслиги ва республикамизда қабул қилинган методологик меъёрий базиснинг эскирганлиги эътироф этилмоқда. Шу билан бирга, «кўрилаётган чораларга қарамасдан, мамлакатда тегишли

---

<sup>1</sup> <http://forexlabor.info/blog/mezhdunarodnye-rejtingovye-agentstva/>

йўналишлар бўйича миллий рейтингларни юритишга ёрдам берадиган, амалга ошириладиган ислохотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолашнинг яхлит тизими мавжуд эмас»<sup>2</sup>. Булар эса мамлакатимиздаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига аниқ умумий баҳо бериш, молиявий рейтинг методологияси асосида солиштирма баҳолашнинг замонавий назарий базис ва самарали математик ёндашувни ишлаб чиқиб, уни амалиётга жорий этишни талаб этмоқда. Ушбу ҳолат эса Ўзбекистонда ҳам танланган мавзунинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6096-сон, 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6079-сон Фармонлари, 2019 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4210-сон ва 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4611-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июндаги «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида» №207-сон қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хориж мамлакатлари бўйича амалга оширилган библиографик таҳлил асосида хўжалик юритувчи субъект(ХЮС)лар молиявий ҳолатининг таҳлили ва қиёсий баҳолаш масалаларининг ечимига мумтоз методлар асосида эришиш хорижлик олимлардан Altman E.I., Colin Drury, Erich A., Smith R.F., Winakor A.H., Steven M., Subramanyam K.R., P.Etrill ва бошқалар<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сон Қарори

<sup>3</sup> Altman E.I. Financial Ratios. Discriminant Analysis, and the Prediction of Corporate Bankruptcy // The Journal of Finance, Vol. 23, No. 4. (Sep., 1968), pp. 589-609., Друри Колин. Введение в управленческий и производственный учет / Пер. с англ./ Под ред. Табалиной С.А. – М.: Аудит, Erich A. Helfert financial analysis: tools and techniques. A guide for managers. McGraw-Hill, 2001., Smith R.F., Winakor A.H. A Test Analysis of Unsuccessful Companies. Urbana, Illinois: University of Illinois, 1930., Steven M. Bragg. Financial analysis: A business decision guide. 2nd edition. Colorado, Accounting Tools, Inc., 2014. –325 pages., Subramanyam K.R. Financial statement analysis, eleventh edition Published by McGraw-Hill Education, 2 Penn

МДХ мамлакатларидаги хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини улар бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ёрдамида таҳлил қилиш ва қиёсий баҳолаш масалалари Артеменко В.Г., Астапова В.В., Балабанов И.Т., Баканов М.И., Шеремет А.Д., Банк В.Р., Банк С.В., Тараскина А.В., Донцова Л.В., Никифорова Н.А., Ефимова О.В., Жилкина А.Н., Казакова Н.А., Карлин Т.Р., Ковалев В.В., Маркаръян Э.А., Герасименко Г.П., Маркаръян С.Э., Савицкая Г.В., Шеремет А.Д., Бочаров В. В., Пястолов С. М каби олимларнинг ишларида амалдаги классик усулларда ўрганилган<sup>4</sup>.

Ўзбекистонда ХЮСларининг молиявий ҳолати таҳлили ва фаолият сифатини ўзаро солиштирилиши билан боғлиқ ишларни қуйидаги олимлари ва мутахассислар томонидан бажарилган: Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И., Дусмуратов Р.Д., Болтаев А.С, Хасанов Б.А., Абдурахманова Ф., Кодирова З., Норбоев О., Шоҳаъзамий Ш.Ш., Алимов Б.Б., Ваҳобов А.В., Иброхимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф., Рахимов М.Ю., Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Урманбекова И.Ф., Хакимов Б.Ж., Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А., Каландарова Н. Н ва бошқалар.<sup>5</sup>

Иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг асарларида асосан молиявий таҳлилнинг мумтоз методлари қўлланилган бўлиб, улар томонидан ХЮС бухгалтерия баланси суммар (интеграл) кўрсаткичларининг бир-бирига трансформацияланиши сифат даражалари комплекс молиявий таҳлили ва

---

Plaza, New York, NY 10121. Copyright © 2014 by., Этрилл П. Финансовый менеджмент для неспециалистов / П. Этрилл; пер. с англ. под ред. Е.Н. Бондаревской. - 3-е изд. - СПб.: Питер, 2006. - 608 с.

<sup>4</sup> Артеменко В.Г., Астапова В.В. Анализ финансовой отчетности. Учебное пособие. – М.: ОМЕГА-Л, 2011. – 270 с., Балабанов И.Т. Основы финансового менеджмента: Учебное пособие. – 2-е изд., доп. и перераб. – М.: Финансы и статистика. 2010.–512 с., Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. – 4-е издание. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 416 с., Банк В.Р., Банк С.В., Тараскина А.В. Финансовый анализ. Учебное пособие. – М.: ТК Велби, Проспект, 2007. – 344 с., Донцова Л.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности: Учебник. - 6-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2013. – 462 с., ЮНИТИ, 1994 – 560 с., Ефимова О.В. Финансовый анализ: современный инструментарий для принятия экономических решений: Учебник. - 5-е изд., испр. - М.: Омега-Л, 2014. - 348 с., Жилкина А.Н. Финансовый анализ. Учебник. М.: Юрайт, 2018. – 285 с., Казакова Н.А. Финансовый анализ. Учебник. М.: Юрайт, 2018. – 470 с., Карлин Т.Р. Анализ финансовых отчетов (на основе ГААР) Учебник. – М.: ИНФРА-М, 1998. – 448 с., Ковалев В.В. Финансовый менеджмент: теория и практика. – М.: Проспект, 2014. – 1104 с., Маркаръян Э.А., Герасименко Г.П., Маркаръян С.Э. Финансовый анализ: Учебное пособие / – 8-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2011. – 272 с., Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. – М.: Инфра-М, 2013. – 384 с., Шеремет А.Д. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций. М.: НИЦ Инфра-М, 2013. – 229с., Бочаров В. В. Финансовый анализ. Краткий курс. 2-е изд. — СПб.: Питер, 2009. — 240 с.; Пястолов С. М. Анализ финансово-хозяйственной деятельности: учебник. 3-е изд. М.: Изд-во «Академия», 2010. 336 с.

<sup>5</sup>Pardayev M.Q., Isroilov J.I., Isroilov V.I. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. T.:Print Line Group, 2017.-533 b., Дусмуратов Р.Д., Болтаев А.С. «Молиявий таҳлил». Дарслик. 2020й., Хасанов Б, Абдурахманова Ф., Кодирова З., Норбоев О. Анализ хозяйственной деятельности. Т.:Сано-стандарт.2017 283 с., Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. Фирмалар бухгалтерия баланси асосида молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг янгича ёндашуви. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2017 -20 б.; Shokhazamiy Sh.Sh., Alimov B.B. Methods for complex retro-forecast analysis and complex forecasting of the accounting balance in terms of the interests of investors of insurance companies. // “International Journal of Research in social sciences” Volume-9, Issue-7, July 2019. 652-672 p. (№ 40 Research Gate Impact Factor: 0.35); Vahobov A.V., Ishonqulov N.F., Ibroximov A.T. «Moliyaviy va boshqaruv tahlili». Darslik. T.; Iqtisod-Moliya, 2013. -600 b., Raхимov M.Yu. O'quv qo'llanma. T.; Iqtisod-Moliya, 2015. -392 b., Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Урманбекова И.Ф. Экономический анализ. /Учебник –Т.: Иқтисод-Молия, 2017. – 428 с., Хакимов Б.Ж., Алимов Б.Б. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2013. – 240б; Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. 2010. 188 б; Каландарова Н. Н. Корхоналар молиявий ҳолатини рейтинг баҳолашда таҳлил методикасини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 48 –б.;

ушбу кўрсаткичлар ёрдамида ХЮСлар молиявий ҳолатини солиштирма баҳолаш аниқ ва ишончли математик методлар, мезон ва моделлар асосида амалга оширилмаган<sup>6</sup>. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқотнинг заруратига, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методларини белгилашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг “ Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати таҳлилин математик аппарат ва рейтинг методологияси қўлланилиши асосида такомиллаштиришга қаратилган илмий хулосалар шакллантириш, назарий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** диссертация ишининг мақсади доирасида қуйидаги вазифалар белгиланган:

ХЮСлар молиявий ҳолати таҳлили, рейтинг ва рэнкинг баҳолашнинг мавжуд методологиялари асосида солиштирма баҳолашнинг муаммоларини, назарий ва методологик асосларини таҳлилий тизимлаштириш негизида тегишли хулосалар, таклиф ва тавсиялар шакллантириш;

ХЮСлар молиявий ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, рейтинг ва рэнкинг баҳолашнинг математик методологияси ёрдамида солиштирма баҳолашнинг янги методикасини ишлаб чиқиш ва уни таҳлилий эмпирик тест синовдан ўтказиш асосида унинг методик жиҳатлари ва имкониятларини аниқлаш;

ХЮСлар молиявий ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, рейтинг ва рэнкинг баҳолаш математик методологиясининг амалиётда қўллаш йўналишларини белигилаш ва уларнинг амалга оширилиши бўйича тегишли назарий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** иқтисодиётнинг реал секторидаги хўжалик юритувчи субъектлар.

**Тадқиқотнинг предмети** хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатининг таҳлилин такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тизимли ёндашув, кузатиш, танлаш, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, қиёсий таққослаш, абстракт-мантикий фикрлаш, математик аппарат ва формализация, эмпирик тест синов, комплекс молиявий таҳлил ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати рейтинги ва рэнкингини баҳолаш ҳамда улар билан боғлиқ бошқа усуллардан фойдаланилган.

---

<sup>6</sup> Ўзбекистонлик олим Шоҳаъзамий Ш.Ш. ва Алимов Б.Б томонидан қўлланилган математик методлардан ташқари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бухгалтерия баланс актив ва пассив қисмларининг суммар кўрсаткичларини бир-бирига нисбатан таққослама ўрганиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатига миқдорий баҳо бериш мумкинлиги асослаб берилган;

хўжалик юритувчи субъектлар молиявий рейтингини баҳолаш учун ишлаб чиқилган методика ёрдамида улар бухгалтерия баланси барқарорлигига сифатий баҳо беришнинг мезонлари очикланган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг меъёрлаштирилган молиявий ўлчами ва унга мос рэнкинг поғоналарни аниқлаш учун ишлаб чиқилган методика ва мезонлар ёрдамида бундай субъектлар молиявий ҳолатини қиёсий солиштирма баҳолаш мумкинлиги асосланган;

хўжалик юритувчи субъектларни комплекс таҳлил қилиш ва уларнинг молиявий ҳолати рейтингини баҳолаш ҳамда молиявий ўлчами бўйича рэнкинг ўринларини аниқлашнинг комплекс ёндашуви ишлаб чиқилиб, уни рақамли иқтисодиёт талабларига мослиги ва амалиётда қўллаш йўллари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия баланс суммар кўрсаткичларини ўзаро мутаносиб равишда шакллантириб бориш имконини беради;

ишлаб чиқилган ёндашув орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига самарали (аниқ, тезкор, ишончли) баҳо бериш билан бирга, унинг молиявий рейтингини яхшилаш режасини ишлаб чиқиш мумкин;

хўжалик юритувчи субъект ўзининг молиявий ўлчамини, 9 та рэнкинг поғонадан қайси бирига тегишли эканлигини, бунда у мазкур поғона доирасида қайси компаниялар билан рақобатли эканлиги ва улар орасида аниқланган топ кучлиликдаги ўрнини билиш имконини беради;

хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини ҳамда рейтингини ва рэнкингини солиштирма баҳолаш ёндашуви ҳамда уни қўлланилиш принциплари ва усули компаниялар комплекс молиявий таҳлилининг мавжуд методологик базисини такомиллаштириб бойитган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларни умум тан олинганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, реал сектордаги акциядорлик жамиятларига оид маълумотларнинг ҳисобот маълумотларидан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатининг таҳлилининг такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар реал сектордаги хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини кенг қамровли таҳлил қилиш асосида аниқ ва тўғри баҳолашда, келгусида яратиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ХЮСлар молиявий ҳолатининг таҳлилин тақомиллаштириш бўйича олинган қуйидаги илмий натижалар (таклифлар) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан давлат улуши мавжуд корхоналарнинг корпоратив кўрсаткичлари мониторинги ва таҳлили Департаменти фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 3 декабрдаги №5776/03-09-сон маълумотномаси):

бухгалтерия баланс актив ва пассив қисмларининг суммар кўрсаткичларини бир-бирига нисбатан таққослама ўрганиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатига миқдорий баҳо бериш мумкинлигига оид таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан давлат улуши мавжуд корхоналарнинг корпоратив кўрсаткичлари мониторинги ва таҳлили Департаменти фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 3 декабрдаги №5776/03-09-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф компаниялар молиявий ҳолатига улар бухгалтерия баланси кўрсаткичлари асосида экспресс баҳо беришнинг тезкорлик даражасини камида 500 (беш юз) баробарга ва юқори ишончлилиқка эришиш имкониятини берган;

хўжалик юритувчи субъектлар молиявий рейтингини баҳолаш учун ишлаб чиқилган методика ёрдамида улар бухгалтерия баланси барқарорлигига сифатий баҳо беришнинг мезонларини қўллашга оид таклифлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан давлат улуши мавжуд корхоналарнинг корпоратив кўрсаткичлари мониторинги ва таҳлили Департаменти фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 3 декабрдаги №5776/03-09-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар компанияларнинг молиявий рейтингини аниқлашни хатолик даражаси 0% бўлиб, ишончлилигини оширишга хизмат қилган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг меъёрлаштирилган молиявий ўлчамлари ва унга мос рэнкинг поғоналарни аниқлаш учун ишлаб чиқилган методика ва мезонлар ёрдамида бундай субъектлар молиявий ҳолатини қиёсий солиштирма баҳолаш мумкинлиги бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан давлат улуши мавжуд корхоналарнинг корпоратив кўрсаткичлари мониторинги ва таҳлили Департаменти фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2020 йил 3 декабрдаги №5776/03-09-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар компаниялар стратегик ривожланиш режаларини ишлаб чиқишда дастури-

амал бўлиб хизмат қилиши зарурлиги ва бунда молиявий ўлчамининг йиллик ўсиш даражаси жорий инфляция даражасидан 5 (беш) фоиздан ортиқ бўлиши лозимлиги компаниялар менежменти ва мулкдор-инвесторларига сингдирилишига ҳамда компаниялар молиявий ўлчамининг йиллик реал ўсиш даражаси 5 (беш) фоиздан кам бўлмаслигини таъминланишига хизмат қилган.

хўжалик юритувчи субъектларни комплекс таҳлил қилиш ва уларнинг молиявий ҳолати рейтингини баҳолаш ҳамда молиявий ўлчами бўйича рэнкинг ўринларини аниқлашнинг комплекс ёндашуви ишлаб чиқилиб, уни рақамли иқтисодиёт талабларига мослиги ва амалиётда қўллаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан давлат улуши мавжуд корхоналарнинг корпоратив кўрсаткичлари мониторинги ва таҳлили Департаменти фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 3 декабрдаги №5776/03-09-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар давлат улуши мавжуд бўлган компаниялар молиявий рейтингини мунтазам баҳолаб бориш асосида уларнинг рақобатбардошлик ва молиявий ўлчами даражаларини оширишга қаратилган стратегия ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиш имкониятларини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур илмий тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 6 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 6 та, жумладан нуфузли хорижий журналда 1 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 11 та тезис нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг қуйидаги жиҳатлари очиб берилган: мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги шакллантирилган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган; илмий янгилик характериға эға натижалар ва уларнинг амалий аҳамияти ҳамда тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати таҳлили ва рейтингининг назарий-методологик**

**асослари**” деб номланиб, унда, хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия баланси (ХСББ) суммар кўрсаткичларини ( $a$  – узоқ муддатли активлар,  $b$  – жорий активлар,  $c$  – хусусий капитал,  $d$  – қарз мажбуриятлари) ўзаро боғлиқлиги, улар асосида молиявий таҳлил ва мавжуд рейтинг методологиялари асосида солиштирма баҳолаш билан боғлиқ тушунчалар ва мумтоз назарий-методологик базис таҳлилий тизимлаштиришган. Бунинг негизида ХСББ суммар кўрсаткичларининг бир-бирига тўғри ва тескари нисбатлардаги 12 та коэффиценти асосида ушбу натижалар комплекс таҳлили, хўжалик юритувчи субъектлар (ХЮС) молиявий ҳолати рейтингини баҳолаш ва молиявий ўлчами бўйича рэнкингини аниқлашнинг такомиллашган назарий-методологик базиси ва унга мос математик ёндашуви шакллантирилган.

ХСББ кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқликда бир-бирига тўғри ва тескари нисбатлардаги коэффицентларни аниқлаш жараёни қуйидаги содда амаллар ёрдамида ифодаланган тўртта гуруҳга ажратилган тенгликлар кўринишида келтирилди:

1)  $b, c, d$  кўрсаткичларни  $a$  кўрсаткичга нисбати, яъни:

$$a = b \cdot (a/b), a = c \cdot (a/c), a = d \cdot (a/d) \quad (1)$$

2)  $a, c, d$  кўрсаткичларни  $b$  кўрсаткичга нисбати, яъни:

$$b = a \cdot (b/a), b = c \cdot (b/c), b = d \cdot (b/d) \quad (2)$$

3)  $a, b, d$  кўрсаткичларни  $c$  кўрсаткичга нисбати, яъни:

$$c = a \cdot (c/a), c = b \cdot (c/b), c = d \cdot (c/d) \quad (3)$$

4)  $a, b, c$  кўрсаткичларни  $d$  кўрсаткичга нисбати, яъни:


$$d = a \cdot (d/a), d = b \cdot (d/b), d = c \cdot (d/c) \quad (4)$$

Ушбу (1)-(4) тенгликлар бўйича қуйидагиларни айтиш мумкин.  $a = b \cdot (a/b)$  тенгликда  $b$  кўрсаткич бир бирликка ошса, у ҳолда  $a$  кўрсаткич неча миқдор бирликга ортишини аниқлашимиз мумкин. Айтилганларни қуйидаги шаклда математик ифодалаш мумкин бўлади:  $(b+1) \cdot (a/b) = a + (a/b)$  ёки ушбу тенгликни иқтисодий нуқтаи назардан қуйидагича талқин қилса бўлади:  $b$  бир бирликдаги миқдорга ортса,  $a$  кўрсаткич  $(a/b)$  бирликдаги қиймат миқдорига ортади.

Молиявий таҳлил назарияси ва амалиёти учун янги ва зарур ҳисобланувчи ҳамда юқоридаги (1)-(4) тенгликларга кўра, тўртта гуруҳга киритилган 12 та нисбий коэффицентнинг минимал ва максимал чегаравий миқдорлари аниқланиб, улар учун оптимал бўлувчи чегара ва ушбу чегаралар ичида ётувчи эталон миқдорлар ҳамда мазкур 12 та коэффицентнинг бир-бирига боғлиқлигини ифодаловчи интеграллашган тенглик аниқланди. Зеро, чегаравий миқдорлар ва улар учун оптимал чегара ёрдамида аниқланувчи 12 та коэффицент учун эталон бўлувчи коэффицентларни ХСББ суммар кўрсаткичлари бўйича аниқланган (уларга мазмунан мос келувчи) нисбий коэффицентларига қиёслаб унинг молиявий ҳолати рейтинг баҳосини  $|\mathcal{E} - \mathcal{B}| = \Delta$  кўринишидаги умумлашган мезон ёрдамида аниқлаш мумкин. Бунда  $\mathcal{E}$  – эталон коэффицентлар;  $\mathcal{B}$  – бухгалтерия баланси кўрсаткичлари бўйича аниқланган коэффицентлар;  $\Delta$  – рейтинг баҳо ҳисобланади.

Юқорида айтилган назарий ғоя, фикр ва моделлар ҳамда тизимли ёндашувни қўлловчи ижтимоий-иқтисодий системология (ИИС)<sup>7</sup> қоидалари асосида 1-расм кўринишидаги тузилмавий-функционал модель ўринли.

Умуман олганда, 1-расмдаги модель ХСББ комплекс таҳлилини бухгалтерия, менежмент, аудит, инвесторлар билан боғлиқликда ички ва ташқи омиллар таъсирида амалга оширилиши жараёнини тизимли ифодалаб ўрганиш имконини беради. Бунда 1-расмдаги моделнинг ишлаш принципини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: ташқи омиллар (ТО) ва бухгалтерия омили (ИО сифатида) таъсирида бухгалтерия баланси шаклланади, яъни маълум давр учун *a*, *b*, *c*, *d* асосида натижа сифатида бухгалтерия баланс ҳисоботи тузилади. Мазкур натижа таҳлилни амалга оширувчи инвестор, молиявий менежер, аудитор (ИМА) ва бухгалтерия учун ички омил сифатида таъсир кўрсатиб улар томонидан ташқи омилларнинг (ТО) кейинги даврдаги таъсирига реакция сифатида мос келувчи навбатдаги ички омиллар генерация қилиниб бухгалтерия балансини бухгалтерия томонидан ўзгартирилишига (коррекция қилинишига) олиб келади. Бунда ИМА ва бухгалтерия ТО таъсири остида бир-бирига ички таъсирда бўлиб ИМА регулятив функцияни бажаради.



**1-расм. ХЮС инвестор(эга)лари, менежменти, аудитори ва бухгалтериясининг ўзаро боғлиқликдаги фаолият сифатининг бошқарилиши ва бухгалтерия баланси таҳлили амалга оширилиши жараёнларини ифодаловчи тузилмавий-функционал модель<sup>8</sup>**

Бунда ИМА – таҳлилни амалга оширувчи компания эгаси (инвестори), молиявий менежер ва аудитор; ТО – ташқи омил; ИО – ички омил.

1-расмдаги моделда ИОлар ва натижани ўзгариши ТОларнинг негатив ёки позитив характерга эгаллигига боғлиқ. Бунда натижа ТОНинг позитив ёки негативлигига қараб, ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Агарда ТО таъсири негатив бўлса, у ҳолда бундай салбий таъсирни ИМА бартараф

<sup>7</sup> Шоҳаъзамий Ш.Ш. Замонавий мулк, унинг бозорлари тизими ва мультифани. Монография. -Т.: Iqtisod-moliya, 2016.-268 б.; Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari. Darslik.-Т.: Iqtisod-moliya, 2018. – 492 б.; Социально-экономическая системология.// Молия.-Т., №3,2014.-с.38-46; Socio-Economic Systemology – Multydimention Science for a Comprehensive Study of the Socio-Economic and Legal System.//Journal of Economics and Behavioral Studies. Vol.: 6, №10. P.824-828. October 2014. International Foundation for Research and Development (IFRD), [www.Ifnd.org](http://www.Ifnd.org).

<sup>8</sup> Ушбу расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қилишга интилади (яъни ички регулятив функцияни бажаради). Агарда ТО таъсири позитив бўлса, бундай ҳолат натижада (бухгалтерия баланс ҳисоботида) ижобий бўлади. Ушбу 1-расмдаги моделда ИМАнинг қарор қабул қилиш функцияси компания бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ( $a$ ,  $b$ ,  $c$ ,  $d$ ) барқарор ва талаб даражасида бўлишига бўйсундирилган бўлиб, ушбу моделнинг ишлаш принцигига асосланган ҳолда компания бухгалтерия балансини комплекс молиявий таҳлил қилиш ва рейтинг баҳолаш жараёнларини математик формаллаштириш мумкинлигини билдиради.

Юқорида берилган назарий қоидаларга таянувчи методологик ёндашув куйида берилган услублар (методикалар) мажмуасини ўз ичига олади:

*биринчи методика:* тўртта гуруҳга киритилган (1-4 тенгликлар) 12 та коэффицентнинг минимал ва максимал чегаравий миқдорлари аниқланди;

*иккинчи методика:* 6 та тўғри ва 6 та тесқари нисбатдаги коэффицентларнинг минимал ва максимал чегаравий миқдорлари учун оптимал бўлувчи чегара аниқланди;

*учинчи методика:* 12 та коэффицентнинг минимал ва максимал чегаравий миқдорлар интервали ичида ётувчи эталон миқдорлар аниқланди;

*тўрттинчи методика:* 12 та коэффицентнинг бир-бирига боғлиқлигини ифодаловчи интеграллашган тенглик аниқланди;

*бешинчи методика:* умумлашган мезон (унинг модуль кўринишидаги шакли) ёрдамида хўжалик юритувчи субъектларнинг (ХСББ бўйича) 4 та молиявий сифат ҳолати бўйича рейтинг баҳолари аниқланди;

*олтинчи методика:* хўжалик юритувчи субъектни логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчам ва рейтинг баҳоси асосида унинг молиявий топ-кучлилиқдаги рэнкинг ўрни аниқланди.

Бунда 1-расмдаги модель асосида хўжалик юритувчи субъектлар (ХЮС) учун куйидаги кўринишдаги умумлашган шартли эталон баланс математик йўл билан топилди:

Умумлашган шартли эталон баланс

$$\begin{array}{ll} \text{УМА (a)} = 57y_1 & \text{ХК (c)} = 92y_3 \\ \text{ЖА (b)} = 97y_2 & \text{ҚМ (d)} = 62y_4 \end{array}$$

Ушбу эталон балансга асосан ХЮСнинг логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчами  $k = \log_{10} \frac{y_1 + y_2 + y_3 + y_4}{4}$  формула асосида

куйидагилар ёрдамида топилади:  $y_1 = \frac{a_{\text{реал}}}{57}$ ,  $y_2 = \frac{b_{\text{реал}}}{97}$ ,  $y_3 = \frac{c_{\text{реал}}}{92}$ ,  $y_4 = \frac{d_{\text{реал}}}{62}$ .

Бунда  $y_1$  – ХЮСнинг (фирма, компаниянинг) узоқ муддатли активига нисбатан логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчами,  $y_2$  – компаниянинг жорий активига нисбатан логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчами,  $y_3$  – компаниянинг хусусий капиталига нисбатан логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчами,  $y_4$  – компаниянинг қарз мажбуриятларига нисбатан логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчами. Логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчам  $k > 0$ ,  $k = 0$ ,  $k < 0$  миқдорларда (яъни, мос

равишда, миқдоран: ижобий (мусбат ишоралардаги) даражаларга, минимал зарурий (чегаравий) даражага ва салбий (манфий ишоралардаги) даражаларга хос сифатда) бўлиши мумкин.

Агар солиштирилаётган ХЮСлар бир-бирига нисбатан неча марта катта ёки кичиклигини билиш зарур бўлса, уларнинг реал масштабдаги молиявий ўлчамини ифодаловчи  $10^{m-n}$  формуладан фойдаланиш (бунда:  $m=k_m$  ва  $n=k_n$  иккита баҳоланаётган ХЮСнинг логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчами) мумкин.

ХЮСларни логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчамига қараб, уларни таққослама умумий баҳосини аниқлаш учун логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчамни рэнкинг поғоналарга бўлиб чиқиш мумкин. Бундаги ҳар бир поғонага тегишли бўлган ХЮСнинг эгаллаган ўрнини аниқлаш учун ҳар бир ХЮС(компания)нинг рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтинг баҳосидан фойдаланамиз. Бу баҳо қуйидагича аниқланади:

$$n = \frac{\text{ХЮСнинг меъёрлаштирилган молиявий ўлчами}}{\text{ХЮСнинг молиявий рейтинг баҳоси}}$$

Ушбу формула бўйича рэнкинг поғона ичидаги рейтинг баҳо миқдори қанчалик юқори бўлса, ХЮСнинг молиявий ҳолати шунчалик барқарор (сифатли) бўлади.

Бунда ҳар қандай ХЮСнинг жорий даврдаги логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчамини ўтган даврдагисига нисбатан ўсишининг минимал миқдори қуйидаги тенгсизлик асосида аниқланади:

$$\delta \geq \frac{\lg(1+i)}{k_1} \quad \text{ёки} \quad \delta \geq \lg(1+i)^{\frac{1}{k_1}}$$

Диссертациянинг иккинчи боби «**Математик ёндашувнинг таҳлилий эмпирик тест синови, методик жиҳатлари ва имкониятлари**» деб номланиб, унда Америка, Европа, Россия, Хитой, Япония, Корея Республикаси ва Ўзбекистоннинг бир нечта ХЮС (фирма, компания) мисолида таҳлилий эмпирик синовдан ўтказилди.

Мамлакатларнинг валюта бирлиги ҳар хил бўлгани учун бу мамлакатлардаги компанияларнинг меъёрлаштирилган молиявий ўлчами турлича бўлади. Турли мамлакатларда фаолият юритаётган компанияларнинг логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчамини таққослама ўрганиш учун авваламбор уларнинг реал балансини бир хил валютада тузиб олиш керак. Бир хил валютада тузиб олинган реал баланслар орқали компанияларнинг логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчамини таққослама ўрганиш билан бирга уларнинг реал масштабдаги молиявий ўлчамини бир-бирига нисбатан қанча катта ёки кичиклигини аниқлаш мумкин.

Қуйидаги 1-жадвалда меъёрлаштирилган молиявий ўлчами (3;4] ораликда бўлган Американинг компаниялари мисолида кўрилган.

## 1-жадвал.

**Меъёрлаштирилган молиявий ўлчами (3;4] ораликда бўлган АҚШ компаниялари мисолида таҳлилий синов натижалари<sup>9</sup>**

Компаниялар	Меъёрлаштирилган молиявий ўлчам		Молиявий рейтинг		Рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтинг		Топ кучлиликдаги ўрни	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
General motors	3,24	3,25	15,25	14,45	0,21	0,22	8	8
Alphabet	3,25	3,32	4,74	3,79	0,69	0,87	1	1
Microsoft	3,29	3,31	6,32	5,41	0,52	0,61	2	2
Amazon	3,21	3,37	10,50	10,08	0,31	0,33	4	4
Exxonmobil	3,43	3,40	18,82	19,61	0,18	0,17	10	10
Apple	3,39	3,38	10,35	13,86	0,33	0,24	3	6
Walmart	3,25	3,27	12,55	9,24	0,26	0,35	5	3
UnitedHealth Group	3,12	3,17	13,22	12,09	0,24	0,26	6	5
CVS Health	3,23	3,24	15,11	13,96	0,21	0,23	7	7
Ford Motor	3,28	3,30	20,34	22,31	0,16	0,15	11	11
Verizon	3,35	3,39	18,14	16,20	0,18	0,21	9	9
Chevron	3,24	3,25	21,10	23,00	0,15	0,14	12	12

Бу жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2019 йил учун Американинг (3;4] ораликдаги компаниялари учун топ кучлилик аниқланганда дастлабки ўринларни “Alphabet”, “Microsoft”, “Apple” компаниялари эгаллаган бўлса, охириги ўринларни “Exxonmobil”, “Ford Motor”, “Chevron” компаниялари эгаллаб турибди. Вируслар пандемияси даври 2020 йилда бу ўринлар биров ўзгарган. Бунда дастлабки ўринларни “Alphabet”, “Microsoft”, “Walmart” компаниялари эгаллаб турган бўлса, охириги ўринларни “Exxonmobil”, “Ford Motor”, “Chevron” компаниялари эгаллаб турибди.

Худди шундай, 2-жадвалда логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчами (5;6] ораликда бўлган Ўзбекистоннинг компаниялари мисолида кўрилган.

Қуйидаги жадвалда меъёрлаштирилган молиявий ўлчами (5;6] ораликда бўлган Ўзбекистоннинг компаниялари логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчами, молиявий рейтинги ҳамда бу кўрсаткичлар ёрдамида уларнинг рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтинги ҳам аниқланган. Компанияларнинг рэнкинг поғона ичидаги

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

молиявий рейтинглари орқали уларнинг 2019 йилдаги топ кучлилиги аниқланганда дастлабки ўринларни “O`zbekiston temir yo`llari” ва “Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” компаниялари эгаллаган бўлса, 2020 йилда ҳам топ кучлиликда дастлабки ўринларни “Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” ва “O`zbekiston temir yo`llari” компаниялари эгаллаган.

## 2-жадвал.

### Меъёрлаштирилган молиявий ўлчам (5;6] ораликда бўлган Ўзбекистоннинг компаниялари мисолида таҳлилий синов натижалари<sup>10</sup>

Компаниялар	Меъёрлаштирилган молиявий ўлчам		Молиявий рейтинглари		Рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтинг		Топ кучлиликдаги ўрни	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
Olmaliq kon-metallurgiya kombinati	5,15	5,28	7,87	8,20	0,65	0,64	2	1
O'zbekneftgaz	5,67	5,67	9,38	13,08	0,60	0,43	3	3
O'ztransgaz	5,41	5,27	46,37	41,28	0,12	0,13	4	4
O`zbekiston temir yo`llari	5,36	5,42	3,75	8,65	1,43	0,63	1	2

Таҳлилий эмпирик синов натижалари “Forbes” журналида эълон қилинган компаниялар рейтинглари, Россиянинг энг катта миллий рейтинг агентлиги ҳисобланган “Эксперт РА”, Россиядаги брокерларни ўзида мужассамлаштирган

<https://bcs-express.ru/>, ҳамда <https://finance.yahoo.com/> ва <https://fortune.com/> сайтининг маълумотлари билан амалий мослигини кўрамиз. Булар эса методологик ёндашувимизнинг тўғрилигини асослайди.

Агар ҳар хил мамлакатдаги компаниялар миқёсида топ кучлилик ёки бир – бирига нисбатан реал молиявий ўлчам неча марта катталигини аниқлаш мақсадида компаниялар танлаб олинса, уларнинг бухгалтерия баланси дастлаб бир хил валютада тузиб олинши керак. Қуйидаги жадвалда ҳар хил мамлакатнинг нефт газ саноати билан шуғулланувчи компаниялари танлаб олиниб, уларнинг бухгалтерия баланси дастлаб Американинг валютаси долларда тузиб олинган.

Хитой, Америка, Буюк Британия, Франция, Россия ва Ўзбекистон мамлакатларини нефт газ саноати билан шуғулланувчи компаниялари танлаб олиниб, уларни молиявий ҳолат таҳлилининг математик ёндашув асосида таҳлил қилинди. Жадвалдаги таҳлил натижаларидан кўришимиз мумкинки, компаниялар 3 хил поғонадаги компаниялар турларига ажаралиб қолди. Булар (3;4], (2;3] ва (1;2] ораликдаги компаниялари бўлиб, “O'zbekneftgaz” компанияси (1;2] поғонадаги компанияларга тегишли. Бундан кўринадики,

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

“O'zbekneftgaz” компанияси ўрганилган чет эл компаниялари бирта поғонага бўлмагани учун улар ўртасида топ кучлилик аниқлаб бўлмайди. Шу билан бирга уларнинг реал молиявий ўлчами “O'zbekneftgaz” компаниясининг реал молиявий ўлчамидан неча марта катта эканлиги ҳам аниқланган.

**3-жадвал.**  
**11**

**Жаҳондаги нефт газ саноати компанияларининг таҳлили**

Компаниялар	Меъёрлаштирилган молиявий ўлчам		Молиявий рейтинг		Рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтинг		“ O'zbekneftgaz ” АЖ га нисбатан реал молиявий ўлчамнинг катталиги	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
Petrochina (Хитой)	3,47	3,42	15,83	13,92	0,22	0,25	60,26	58,88
Exxonmobil(Америка)	3,43	3,40	18,82	19,61	0,18	0,17	54,95	56,23
Royal Dutch Shell( Нидерландия/Буюк Британия)	3,47	3,45	12,2	12,7	0,28	0,27	60,26	63,1
Total SA(Франция)	3,30	3,29	9,67	10,46	0,34	0,31	40,73	43,65
Lukoil(Россия)	2,81	2,77	10,87	13,56	0,26	0,20	13,18	13,18
Gazprom(Россия)	2,64	2,64	13,37	15,17	0,20	0,17	8,91	9,77
O'zbekneftgaz (Ўзбекистон)	1,69	1,65	9,38	13,08	0,18	0,13	1	1

Диссертациянинг учинчи боби “**Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати таҳлилни математик ёндашув қўлланилиши асосида такомиллаштиришнинг йўналишлари**” деб номланиб, унда хўжалик юритувчи субъектлар (ХЮС, фирма, компаниялар) молиявий ҳолатини ҳамда рейтинг ва рэнкингини солиштирма баҳолашнинг математик ёндашувини таҳлил амалиётида қўллаш билан боғлиқ қуйидаги амалий масалар ечими берилган: бошқарув ҳисоби юритилишида қўллаш, рейтинг ва рэнкинг баҳолаш ташкилотлари фаолиятида қўллаш, математик ёндашувни фирмалар фаолиятида рақамлаштириш. Буларнинг доирасида Ўзбекистонда ХСББ комплекс таҳлили, молиявий ҳолати рейтингини баҳолаш ва молиявий ўлчами бўйича рэнкингини аниқлашни бир-бири билан боғлиқ бўлган учта йўналишда ташкиллаштириш:

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1) ХЮСлар ташкилий тузилмаси таркибида комплекс таҳлил, прогнозлаш ва стратегик режалаштириш масалалари ечимига ихтисослашган алоҳида молиявий таҳлил хизмат бўлими (бўлим, бошқарма, департамент, гуруҳ, бюро) очилиши ва унинг фаолиятини ишлаб чиқилган математик ёндашувни қўллашга асосланган ташкилий механизмини ишлаб чиқиб жорий қилиш;

2) молиявий маслаҳатчи компанияларни ривожлантириш;

3) ХЮСлар рейтинги ва рэнкингини белгиловчи ҳолис агентликлар фаолиятини ривожлантириш таклиф қилинган. Бунда ҳар бир рейтинг агентлик ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб – чиқиб, ХЮСлар рейтингини белгилаш билан бирга уларнинг молиявий ҳолатини келажакда яънада барқарор бўлиши учун уларга консалтинг хизматларини кўрсатиши ҳам мумкин. Лекин жаҳон амалиётида бундай консалтинг милиявий маслаҳатчилар функциясига киради.

Таклиф қилинган йўналишларнинг муҳимлиги қуйидаги муаммо билан изоҳланади. Яъни ҳозирда реал товар ва хизматлар бозорида ХЮСлар топ-кучлилиқдаги ўрнини (рэнкингини) аниқлаш учун рейтинг агентликлари томонидан қўлланиладиган методологиялар фарқланади, бунинг натижасида турли рейтинг агентликлари томонидан битта компанияга бериладиган рейтинг баҳо бир-биридан фарқланиб ҳар хил бўлиб қолмоқда. Бундай фарқланиш инвесторлар, давлатнинг регулятив органлари ва фирманинг бошқарувчилари учун келажакдаги истиқболли стратегик режалар тузишда ноқулайик яратмоқда. Микро даражада албатта ҳар бир ХЮС ўзининг фаолиятини самарадорли ва рақобатбардош бўлиши учун доимий равишда ўзининг рейтинг баҳоси ва меъёрлаштирилган молиявий ўлчами ҳамда булар ёрдамида аниқланадиган рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтингни билишга ҳаракат қилади. Чунки ҳар қандай ХЮС фаолиятининг самарадорли бўлиши ва келажакда стратегик режалар тузиш орқали рақобатбардошлигини сақлаб қолиши учун унинг асосий иккита мақсади мавжуд бўлади. Булардан бири ХЮСнинг молиявий ҳолати (рейтинг баҳо)ни яхшилаш бўлиб, иккинчиси эса ХСББ сифати бузилмаган ҳолда ўзининг меъёрлаштирилган молиявий ўлчамини катталаштиришдан иборат. Шунинг ҳам такидлаш керакки, ҳар бир фирманинг реал молиявий ўлчами ва меъёрлаштирилган молиявий ўлчами йилдан-йилга ўсиб бориши керак. Агар реал масштабдаги молиявий ўлчами ва логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчамининг йилдан-йилга ўсиб бориш фоиз миқдори мос равишда инфляция даражаси ( $i$ ) ва  $\delta \geq \frac{\lg(1+i)}{k_1}$  формула<sup>12</sup> ёрдамида ҳисоблаб топиладиган миқдордан (бунда  $k$  – ХЮСнинг ўтган даврдаги логарифмик масштабда

<sup>12</sup> Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. Хўжалик юритувчи субъектнинг жорий даврдаги логарифмик масштабда меъёрлаштирилган молиявий ўлчамини ўтган даврдагисига нисбатан ўсишининг минимал миқдори. // “Рақамли иқтисодиёт: Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари ва жаҳон амалиёти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2020 йил 24 декабр, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби. -www.rgsbm.uz.

